



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil " 30 " aprel

Қ-320 -son

Termiz sh.

Қумқўрғон тумани С.Бойматов массивида фаолият юритаётган "Gaffarovlar baliqchilik havzasi" балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалигига "Балиқ чавоқларини сунъий равишда кўпайтириш, балиқлар учун ем хашак сақлаш омборхонаси, паррандачилик, ўрдакчилик, қуёнчилик ва иссиқхона хўжалигини ташкил этиш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маиший савдо дўкони" қурилиши учун рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 167-сон ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорларига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 23 февралдаги 05-02/145-сон йиғилиш баёни, Қумқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 15 октябрдаги 246/01-36-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Қумқўрғон тумани С.Бойматов массивида фаолият юритаётган "Gaffarovlar baliqchilik havzasi" балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалигига тегишли қишлоқ хўжалиги харитасининг 2бқ-дала контуридаги 0,20 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонида "Балиқ чавоқларини сунъий равишда кўпайтириш, балиқлар учун ем хашак сақлаш омборхонаси, паррандачилик, ўрдакчилик, қуёнчилик ва иссиқхона хўжалигини ташкил этиш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маиший савдо дўкони" қурилиши учун рухсат берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га рухсат берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов